

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил сентябрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси А.Кенжабаев, халқ маслаҳатчилари З.Хакимов ва И.Исомиддиновадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Баротовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, судланувчи М.Тўхтаҳўжаева ва унинг ҳимоячиси-адвокат Н.Юлдашев, жабрланувчи Ю.Имомовнинг иштирокида, Тўхтаҳўжаева Муқаддас Умархоновнага оид 1-1611-2201/214-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Тўхтаҳўжаева Муқаддас Умархоновна, 1987 йил 9 майда Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уй бекаси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, Тўрақўрғон тумани, “Яккатом” МФЙ, Боғ кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 23 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд ҳайъати, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Тўхтаҳўжаева 2022 йил 12 июнь куни соат 11:00 ларда ўзига қариндош ҳисобланган Ю.Имомовнинг яшаш хонадонига ҳовлининг орқа эшигидан ғайриқонуний равишда кириб, дераза ойнасини синдириш йўли билан очиб, хонада кўрпалар орасида сақланаётган 38.000 АҚШ доллари ҳамда ушбу ердаги ҳамёнда бўлган 22.600 АҚШ доллари, жами жуда кўп миқдордаги 60.600 АҚШ доллари пулларни яширин равишда талон-торож қилган.

Чуст туман ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 13 июндаги 6533-сонли дактилоскопик экспертиза хулосасида воқеа жойини кўздан кечиришда олинган ўлчами 48x48 мм.ли скоч бўлагида жойлашган 1 дона қўл бармоқ изи ва 113x48 мм.ли скоч бўлагида жойлашган 4 дона қўл бармоқ изи шахсни идентификация қилиш учун яроқли эканлиги, воқеа жойини кўздан кечиришда олинган томон ўлчами 48x48 мм ва 113x48 мм.ли скоч бўлаклариде жойлашган 5 дона қўл бармоқ изи М.Тўхтаҳўжаева номига тўлдирилган дактилоскопик картасининг ўнг қўл кўрсатгич, чап қўл



кўрсатгич, ўрта, номсиз ва жимжилдоқ бармоғига мос келиши аниқлангани кўрсатилган.

Судланувчи М.Тўхтаўжаева суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил 12 июнь куни келини Мафтунанинг тоғаси Ю.Имомовнинг яшаш хонадонига боргани, эшикни ичкаридан қулфланганини билиб, ҳовлининг орқа томонига ўтиб, тунукадан ишланган эшик қаттиқ итариб кўрганида эшик очилиб, ҳовлига киргани, йўлак орқали уйнинг олд қисмига ўтиб, ўнг томондаги биринчи эшикдан ичкарига киргани, ташқарига қараган деразаларни бирма-бир итариб, охирги деразани итараётганида ойнаси синиб кетгани, ойна синиғини ичкарига қўйиб, деразани қаттироқ куч билан итариб, деразани очиб хонага киргани, тахмонда стенкага ўхшаш ойналари бўлмаган шкаф ичида қути ва унинг устида қора рангли ҳамён турганини кўриб, уни ичини очиб қараганида, 100 АҚШ долларлик тахминан 3 та боғлам пул борлигини кўриб, кўрқиб кетгани, ҳамённи ўзи билан олиб, ортига қайтмоқчи бўлганида кўрпачалар ағдарилаётгандай туюлгани ва уларни итарганида қўли қаттиқроқ нарсага теккани, кўрпачалар орасида 3 та боғламдан кўпроқ 100 АҚШ долларлик пуллар турганини кўриб, шошиб уларни ҳам ҳамёнга солиб, кирган деразасидан чиқиб кетгани, 2022 йил 13 июнь куни ИИБ ходимлари у билан суҳбат ўтказишганида пулларни қўйган жойини айтиб, ихтиёри билан топширгани, ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ю.Имомов суд мажлисида, 2022 йил 12 июнь куни оила аъзолари билан бирга дам олиш мақсадида “Ғова”га чиқиб кетишгани, соат 17:00 ларда уйга қайтиб келишгани, турмуш ўртоғи орқа томон ҳовлидан кириб, дарвозани ичкарисидан очгани, онаси ва фарзандларини уйга киритиб, ўзи опаси ва жиянларини ташлаб келиш мақсадида кетгани, 15 дақиқадан сўнг уйга қайтиб келганида онаси уйидаги деразалардан бири синиб ётгани, дераза очиқ ҳолатда эканини айтгани, у ушбу дераза бор хонага кириб, тахмондаги кўрпалар орасидаги 38.000 АҚШ доллари ва қути ичига солинган 20.000 АҚШ доллардан ошиқроқ миқдордаги пулларини кўриш мақсадида кириб, қутида мавжуд бўлган ҳамёни ва уни ичида бўлган 20.000 АҚШ доллардан ошиқроқ пулларни ва кўрпалар орасидаги 38.000 АҚШ доллар пулларни йўқлигини билгани, пулларни топа олмагач ИИБга хабар бергани, ИИБ ходимлари ўғирликни М.Тўхтаўжаева содир этганини аниқлашгани, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ О.Мухаммаджонов суд мажлисида, М.Жалолова унинг турмуш ўртоғи экани, М.Тўхтаўжаева унинг холаси экани, 2022 йил 12 июнь куни турмуш ўртоғи Мафтуна телефонда оила аъзолари билан гаплашганидан сўнг уларнинг уйдан 60.000 АҚШ долларидан ошиқроқ пуллар ўғирланганини билишгани, эртаси куни холаси М.Тўхтаўжаевани ИИБга чақиришгани ва кейинчалик ўғирлик бўлган хонадондан олинган бармоқ



излари уни бармоқ изларига мос келганини эшитгани, холаси М.Тўхтаҳўжаева ўзи ўғирлик қилганини тан олиб, уйда турган пулларни қайтариб берганини билдириб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, жабрланувчи Ю.Имомов, судланувчи М.Тўхтаҳўжаеванинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, М.Тўхтаҳўжаеванинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқдор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчи Ю.Имомовнинг аризаси ва кўрсатувлари, гувоҳнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш, тушунтириш хатлари, дактилоскопик экспертиза хулосаси. нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар, фотожадваллар, ашёвий далил ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Судланувчи М.Тўхтаҳўжаеванинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки у Ю.Имомовнинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, жуда кўп миқдордаги 60.600 АҚШ доллари пулларни яширин равишда талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд ҳайъати, судланувчи М.Тўхтаўжаевага жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят ўта оғир жиноятлар туркумига кирса-да, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, аёл киши эканлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, оилавий ва моддий шароитини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни айна вақтда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, етказилган зарарни муҳокама қилиб, жабрланувчи Ю.Имомовга етказилган зарар қопланиб, уни судланувчига даъвоси йўқлигини инobatга олишни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, ашёвий далилларни муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида М.Тўхтаўжаевадан олинган 60.600 АҚШ долларини тилхат орқали жабрланувчи Ю.Имомовга қайтарилганини инobatга олишни, ҳодиса жойидан олинган 5 дона қўл бармоқ изларини тегишли тартибда йўқ қилишни, жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 – моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тўхтаўжаева Муқаддас Умархоновна Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тўхтаўжаева Муқаддас Умархоновнага Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи М.Тўхтаўжаевага озодликни чеклаш жазосини Тўрақўрғон тумани, “Яккатом” МФЙ, Боғ кўчаси, рақамсиз уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қўйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- Тўрақўрғон туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Тўрақўрғон туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин, жазони ўташ муддати М.Тўхтаўжаева Тўрақўрғон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.



Судланувчи М.Тўхтаўжаевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ю.Имомовга етказилган зарар қопланиб, унинг судланувчига даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашөвий далил сифатида олинган 60.600 АҚШ долларини тилхат орқали жабрланувчи Ю.Имомовга қайтарилгани инобатга олинсин, ҳодиса жойидан олинган 5 дона қўл бармоқ излари тегишли тартибда йўқ қилинсин, жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

| | | |
|--|--------|----------------|
| Раислик қилувчи | (имзо) | А.Кенжабаев |
| Халқ маслаҳатчилари | (имзо) | З.Ҳакимов |
| | (имзо) | И.Исомиддинова |
| “Аслига тўғри” Туман судининг судьяси | | А.Кенжабаев |

